# УРУШ ВА ҒАЛАБА САБОҚЛАРИ

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

Уруш йилларининг меҳнат эпопеяси совет халқи истеъдодларга нақадар бойлигини яна бир бор кўрсатди. Кўпгина олимлар қурол-яроғлар ва жанговар техника конструкторлари — В. Г. Грабин, В. А. Дегтярев, С. В. Ильюшин, Ж. Я. Котин, С. А. Лавочкин, А. А. Микулин, В. М. Петляков, А. Н. Туполев, Г. С. Шпагин, А. С. Яковлев, халқ комиссарлари ва бошқа саноат раҳбарлари — Б. Л. Ванников, Н. Вознесенский, А. П. Завенягин, И. М. Зальцман, А. Н. Косигин, В. А. Малишев, Г. И. Носов, И. Ф. Тевосян, Д. Ф. Устиновларнинг номлари ҳақли равишда Буюк Ғалаба йилномасига ёзилди. О. Е. Патон ва И. В. Курчатов, С. П. Королев ва В. П. Глушко, минглаб совет олимлари ўз ижодий изланишларини мамлакат мудофаасига бағишладилар.

Эркаклар қолмаган ярим оч қишлоқларда деҳқончиликнинг бутун оғирлиги аскарларнинг жафокаш аёллари, бевалар, кампирлар зиммасига тушди. Уруш йилларида хотин-қизлар қилган ишлар мислсиз бўлиб, улар ҳеч қачон унутилмайди.

Темирйўлчилар, автомобилчилар ва сув транспорти ходимлари кечаю кундуз юк ташидилар, алоқачилар алоқани таъминладилар. Госпиталларда ва санитария поездларида урушда жароҳатланган, майиб бўлган аскарларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун кураш бир дақиқа ҳам тўхтамади. Муаллим ва ёзувчи, актёр ва бастакор, рассом ва кинооператор — бутун ижодкор зиёлиларимиз ўз меҳнатини Ғалаба кунини яқинлаштиришга бағишлади.

Москва, Ленинград ва бошқа қаҳрамон шаҳарлар ҳақли суратда жанговар шуҳрат қозонган. Лекин Волгабўйи, Урал, Сибирь шаҳарлари ва Кузбасс ҳамда Магнитка меҳнаткашларини ҳам унутмайлик. Новосибирск ва Свердловскдан, Пермь, Горький ва Челябинскдан, Куйбишев ва Нижний Тагилдан, мамлакатимизнинг бошқа кўплаб катта ва кичик шаҳарларидан энг янги намунадаги танклар ва самолётлар, барча калибрлардаги қуроллар, миномётлар, снарядлар, автоматлар, патронлар юборилди. Фронт Боку ва Волга нефти бўлмаганида, Ўзбекистон ва Тожикистон пахтаси бўлмаганида нима қиларди?

Мамлакат бир ёқадан бош чиқариб, фронт ва мамлакат ичкарисидаги кучларни бирлаштириб, қизғин меҳнат орқали Ғалабага эришди.

Биз иттифоқдош армиялар — Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари, «Курашаётган Франция», Канада аскарларига, Югославия ва Албания халқ озодлик армияларининг қаҳрамонларига, Польша қўшинлари жангчиларига, Чехословакияда фашист босқинчиларига қарши курашчиларга, Европа қаршилик кўрсатиш ҳаракати қатнашчиларига, Хитой ва Корея, Вьетнам ва бошқа кўплаб мамлакатларнинг япон милитаристларига қарши курашган жангчилари ҳамда партизанларига миннатдорчилик сўзларимизни айтамиз. Улардан кўпларининг вакиллари орамизда, шу тантана маросимида ўтиришибди, биз уларни табриклаймиз.

Гитлер тўдалари немис халқи бошига қандай миллий фалокат солганлигини тушунган Германия антифашистларига миннатдорчилик билдирамиз.

Ғалабага ҳисса қўшган барча кишиларни муносиб баҳолар эканмиз, инсоният иккинчи жаҳон уруши жангоҳларида берган ниҳоятда кўп қурбонларни эслаб, уларнинг хотираси олдида бош эгамиз.

45 йил муқаддам совет халқи берган талафотлар қай даражада эканлигини, у тўккан қон ва кўз ёшлари ғам-ташвишларнинг қандай океанига жо бўлишини ҳали ҳеч ким охиригача билмасди. Ғалабанинг қадр-қиммати хусусидаги ҳақиқатнинг ўзи катта синов бўлди. Бугун уни тилга олиш ниҳоятда қийин. Лекин давр ришталари узилмаслиги ва ҳалок бўлганлар хотираси олдида қалбимиз меҳрсиз бўлиб қолмаслиги учун буни айтмаслик мумкин эмас.

Ўрнимиздан туриб, халқимиз бошига ва умуман қачонлардир қайси бир халқ бошига тушган энг оғир урушлардан бирида ҳалок бўлган кишилар хотирасини сукут сақлаб қайғу билан ёдга олайлик, ўртоқлар.

Уруш салкам 27 миллион совет кишиларининг ҳаётига зомин бўлди. Бундан ташқари миллионлаб ярадорлар, контузия бўлганлар, совуқда қотиб қолганлар бор.

Уруш илгари бўлганидек, армияларнинг бир-бирига қарши жанг қилишидан иборат эмасди. Босқинчи бутун халққа, унинг туриш-турмушининг энг зарур негизларига зарба урди.

Одамлар фронтлардаги жангларда ҳалок бўлдилар, улар ўз уйларида снарядлар портлаши натижасида ҳалок бўлдилар. Уларни босиб олинган ҳудудларда мафкуравий душман ёки иркий жиҳатдан расо бўлмаган кишилар сифатида отиб ташладилар. Қариялар, хотин-қизлар, болаларни ажал лагерларида режали равишда аямай йўқ қилиб юбордилар. Белоруссия, Украина ва Россиянинг юзлаб қишлоқлари аҳолиси билан бирга ёндириб юборилди.

Одамлар кўчирилаётганида ва бомбалар ташланаётганида, очлик ва юқумли касалликлар тарқалиши оқибатида соғлиғини йўқотган, ногирон бўлиб қолган гражданларнинг сон-саноғи йўқ.

Европадаги жанг майдонларида юз минглаб совет жангчилари жонларини қурбон қилишди. Польшани озод қилиш учун курашда аскар ва офицерларимиздан 600 минг киши ҳалок бўлди. Чехословакияда 140 минг, Венгрияда 140 минг, Руминияда 69 мингга яқин, Югославияда 8 минг, Австрияда 26 минг, Норвегияда 2 мингдан кўпроқ, Финляндияда 2 мингга яқин, Хитойда 8 минг, Кореяда 1,5 минг аскар ва офицеримиз жонини қурбон қилди. Германия заминида 100 мингдан ортиқ жангчи ҳалок бўлди.

Ўша ниҳоятда оғир йилларда халқимиз абадий яшаши учун, давлатимиз тарихи интиҳосига етмаслиги учун, бошқа халқларни фашистлар асоратидан халос этиш учун ўлимни ва не-не қийноқ-азобларни ўзига раво кўрган ватандошларимиз хотирасини ёдга олайлик.

Ҳарбий қасамга содиқ қолган, гражданлик ор-номусини йўқотмаган, ҳатто Гитлер қамоқхоналарида Ватан учун жанг қилишни давом эттирган кишиларнинг барчасига муносиб баҳо берайлик.

Қардошлик мозорларига дафн этилган номаълум жангчиларимизни, уруш чорраҳаларида дом-дараксиз йўқолган, лекин ор-номуси, шон-шарафини йўқотмаган кишиларни унутмаймиз.

Ярадорлар, хотин-қизлар, болалар, қарияларни қутқара туриб ҳалок бўлганларнинг хотираси олдида бош эгамиз. Нацистлар истилоси тақдирини мажруҳ этган, бенасибу бенаво қилган барча кишиларни ёдга оламиз.

Мана шу қирқ бешинчи Ғалаба баҳорида узоқ ўн йилликлар давомида номларини тилга олмай, сукут сақлаб келинган, покиза номи ва гражданлик ҳуқуқларидан ғайриқонуний равишда маҳрум этилган, лагерларга ташланган кишиларни эсга оламиз. Таҳқирланган, айби бўлмай туриб судланган, соқчилар назорати остида юрган кишилар ҳам Ғалабага ҳисса қўшганлар, улар Воркутада кўмир қазиганлар, Сибирда ўрмон кесганлар, Магаданда руда ва олтин қазиб олганлар.

«Идоралар» деб аталмиш илмий-тадқиқот институтлари ва конструкторлик бюроларида тиканли тўсиқлар ортида меҳнат қилган инженерлар, техниклар, конструкторларга муносиб баҳо берамиз. Бу кишилар ўз фожиавий тақдирларига қарши ўлароқ, ўзларини аямай Ғалаба учун ишладилар.

Биз бугун онт ичгандек: ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди, деган сўзларни такрорлаймиз. Бу қасос олишга чақириқ эмас. Бу сўзларни инсонни-инсон қиладиган қалб хотираси айтмоқда. Ватанимизни олчоқлардан ҳимоя қила туриб, шон-шуҳрат изламасдан, мардлик ва матонат билан ўзини абадиятга айлантирганларнинг хотираси сўнмайди.

Ўтиришингизни илтимос қиламан, ўртоқлар.

Булар аччиқ, аламли ҳақиқатдир. Ўша давр воқеалари тўғрисида ўтган замонда гапира олмаётганлигимизга ажабланиш керакми? У воқеалар ўзимизнинг, борлиқни қабул қилишимизнинг ажралмас бир қисми бўлиб, ушбу заминда нима ҳақиқат ва нима ёлғон эканлигининг биз учун мезони бўлиб қолмоқда.

* * *

Уруш сабоқларини унутиш — ўзимизни ҳам, кўкрагини қалқон қилиб бизни ҳимоя қилган, мана, қирқ беш йилдан бери бизнинг ҳимоямизда тинч ухлаётган кишиларни ҳам унутиб юбориш бўлур эди.

Ғалаба куни — ҳақиқат учун ҳалок бўлган кишиларни ҳурмат билан эслашга таклиф этишгина эмас, байрам тантаналари учунгина баҳона эмас. Бу иккинчи жаҳон уруши деб аталган фожиа сабабларини мушоҳада этадиган лаҳза ҳамдир. Бу урушларсиз дунёга содиқлик тўғрисидаги баёнотнинг самимийлиги синовдан ўтадиган кундир, бу кун ҳамма учун сахийлик билан бир хилда нур ва илиқлик таратади.

«Фашизм — бу уруш демакдир!», деб биринчи бўлиб ўртага шиор ташлаган Совет Иттифоқи, герман нацистлари ва япон милитаристлари инсониятга солаётган хавф-хатардан халқларни воқиф этиш учун бошқаларга нисбатан кўп куч-ғайрат сарфлаган Совет Иттифоқи нима учун агрессияни даф этишга шу даражада ёмон тайёргарлик кўрди? Бу қандай содир бўлди? Нима учун биз кўрган талафотлар ва вайронгарчиликларнинг миқёси ниҳоятда чексиз бўлди? Армиямизнинг Рейхстаг устига Ғалаба байроғини тиклаш сари борган йўли нима сабабдан шу даражада машаққатли бўлди?

Биз ана шу ва бошқа асосий масалаларга қайта-қайта мурожаат қиламиз, чунки бизнинг ақлимиз ва виждонимизга аввалги унча тўла бўлмаган, кўпинча эса ноаниқ жавоблар сингмайди.

Биринчи жаҳон уруши куч ишлатиш сиёсати ҳеч нарсани ҳал қилолмаслигини, фақат можароларнинг янги чигал тугунларини келтириб чиқаришини кўрсатди. Бироқ империализм зўравонлик ва экспансия нуқтаи назаридан фикрлашда давом этаверди. Қурол-яроғлар пойгасини тўхтатиш ва босқинчига биргалашиб зарба бериш системасини вужудга келтириш фойдасига қаратилган совет ташаббуслари халқаро мулоқотда расмий равишда куч ишлатишга қарши бўлган ҳукуматларнинг фаол қаршилигига дуч келаверди. Асосан ишчилар ҳаракатида, тараққийпарвар кайфиятдаги зиёлилар ўртасида Москванинг чақириқлари қўллаб-қувватланди. Бунинг устига 1937—1938 йилларда уюштирилган суд процессларни, қатағонлик тўлқини кўп кишиларни Совет Иттифоқидан, социалистик ғоялардан узоқлаштирди.

Герман рейхининг бошлиқлари биринчи жаҳон урушидан ўзларича хулоса чиқардилар. Қасд олиш фикрлари асосида нацистлар мафкураси вужудга келди. «Ҳаётий кенглик» учун оммавий жанг манфаатлари йўлида Гитлерга ҳукуматни бошқариш ҳуқуқи берилди. Совет давлатини йўқ қилиш, СССРда истиқомат қилаётган халқларни жисмонан қириб ташлаш ёки уларни қулга айлантириш нацизм жаҳонгирлик сиёсати режасининг ҳал қилувчи жиҳати бўлди.

Уруш халқлар ҳаётига зимдан «кириб кела бошлади». Халқаро муносабатларга путур етказа бошлади. 30-йилларнинг ўрталариданоқ аслида Осиё, Африка, Европадаги айрим уруш ўчоқлари умумжаҳон ёнғини билан қачон қўшилиши тўғрисидаги масалагина очиқ қолган эди.

Олимлар ва сиёсатчилар Гитлерни тийиб қўйиш мумкинмиди-йўқмиди, деб ҳалигача баҳслашадилар. Ўтмиш воқеаларини фараз қилиш фойдадан холи эмас, чунки у келажакка эҳтиёткорлик билан қараш имконини беради. Шундай қилиб, Чемберлен ва Даладье олиб борган босқинчиларни «тинчитиш» сиёсати бўлмаганида, Германия билан Совет Иттифоқи бир-бирининг бошига етади ва ўшанда бутун Европага ўз хоҳиш-иродамизни ўтказишимиз мумкин қабилидаги ёвуз ният бўлмаганида, воқеалар мутлақо бошқача тусда бўлур эди, бу очиқ-ойдин кўриниб турибди.

Ҳар ҳолда урушнинг олдини олиш имконияти ниҳоятда кам эди. Лекин Гитлер тўдаларининг босқинчилиги мамлакатимизга келтирган кулфатни камайтириш мумкинлиги шубҳасиз эди.

СССР халқ депутатларининг Иккинчи съездида нацистлар Польшага бостириб киришидан бир ҳафта олдин ҳужум қилмаслик тўғрисида тузилган Совет — Германия шартномасига принципиал баҳо берилди. У ердаги гапларни қайтариб ўтирмайман. Уруш бошланишини жуда катта сиёсий ва маънавий йўқотишлар эвазига бирмунча орқага суришга муваффақ бўлинган, аммо бу муваффақият йўл қўйилган қўпол стратегик хатолар натижасида йўққа чиқарилганини айтмоқчиман, холос.

Қизил Армияни авиация, танклар, артиллерия билан қуроллантириш учун жуда кўп иш қилинди. Лекин немисларникидан қолишмайдиган янги техника — Т-34 танки ёки ИЛ-2 ҳужумчи самолётини эслатиб ўтишнинг ўзи етарли — қўшинларга 1940—41 йилларда етказиб берила бошланди, аскарлар ва офицерларни уларни бошқаришга ўргатиш учун эса кўп ойлар талаб қилинарди.

Армиямиз заифлашиб қолганлиги, аниқроғи қўмондон кадрларни ёвузларча жазолаш оқибатида бошлиқсиз бўлиб қолганлиги, сабабли аҳвол айниқса мураккаблашди. Сталин армия, корпус, дивизия, бригада ва ҳатто полк қўмондонларини алмаштириб ва қатағон қилиб, мамлакат мудофаа бошқарувининг бутун системасини бузиб юборди. Ўшанда 40 мингга яқин офицер ҳаёт билан видолашди ёки озодликдан маҳрум бўлди.

Билимдон қўмондонларсиз қўшинлар ҳам борлиги 1941 йилдан аввалроқ маълум эди. Бу нарса аввалига Ҳасан кўлида, сўнг Финляндия билан урушда ва ниҳоят Халхин-Голда, япон босқинчиларига қарши турган совет-монгол группасига Г. К. Жуков қўмондон қилиб тайинлангунича маълум бўлган эди.

Разведка маълумотларига етарли баҳо бермаслик ҳам мудҳиш оқибатларга олиб келди, бунинг натижасида немис қўмондонлиги тўсатдан ҳужум қилиш, ҳужумда катта устунликка эришиш сингари омилдан тўла фойдаланишга муваффақ бўлди.

Сталин 1941 йилнинг баҳоридан тайёрланаётган ҳужумнинг қачон бошланиши ва ҳатто вермахт асосий зарбаларининг йўналишлари тўғрисида муттасил маълумот олиб турди. Бироқ у Германиянинг ўз қўшинларини Шарққа ташлашга тайёргарлик даражасига эмас, бизнинг кенг миқёсли урушга тайёр эмаслигимизга асосланишни афзал кўрди.

Вермахт 1941 йилнинг апрель-май ойларида Баренцево денгизидан Қора денгизгача бўлган бутун чегара бўйлаб ёппасига ҳужум қилиш учун олдинги марраларга силжиди, Сталин эса ҳаммага ўзларини гўёки ҳеч нарса рўй бермаётгандек ҳис этишларини амри фармон қилди, сохта некбинликка нисбатан соғлом фикрга кўпроқ ишонишга мойил бўлганларни «иғвогарлар» ва «халқ душманлари» сифатида шарманда қилишни буюрди. Албатта бундан келиб чиқадиган ҳамма оқибатлар маълум эди.

Ҳатто мамлакатимизга 22 июнда ёпирилиб кирган оловли қуюн ҳам Сталиннинг такаббурлигига таъсир кўрсата олмади ва ҳеч бўлмаганда Гитлер уни доғда қолдирганини тан олишни ҳам ўзи учун эп кўрмади. Унинг биринчи галдаги ғайриихтиёрий ҳаракати: «эҳтимол ҳали ҳар ҳолда бу уруш эмасдир, балки можародир», деб давлат чегарасидан ўтмаслик тўғрисида буйруқ беришдан иборат бўлди.

Уруш бўлишини кутган эдилар. Унга тайёрланаётган эдилар. Лекин урушни унинг бошланиши ғафлатда қолдиргандек саросимага тушиб кутиб олишди.

Урушнинг бошланғич даври натижаси Қизил Армия учун даҳшатли бўлди — миллионлаб кишилар ҳалок бўлди, жароҳатланди, бедарак йўқолди ва душман қўлига асир тушди. Биз энг муҳим саноат марказлари ва қишлоқ хўжалик районларидан маҳрум бўлдик. Бутун Украина ва Белоруссия, Молдавия ва Болтиқбўйи, Россия Федерациясининг бир қанча областлари душман оёғи остида қолди.

Сталиннинг ана шу воқеалардаги сўзсиз хатоси тўғрисида гапирар эканмиз, агар биз тарихий ҳақиқат тарафида қолишни хоҳласак, унинг Олий бош қўмондон, Мудофаа давлат комитети раиси лавозимидаги бутун фаолиятини йўққа чиқариш нотўғри бўлур эди. Чексиз ҳокимиятга эга бўлган Сталин ўз иродаси билан ниҳоятда ўта марказлаштирилган алоҳида бошқарув системасини йўналтириб турди, бу бошқарув системаси ўша ниҳоятда оғир шароитда ўз вазифасини бажарди.

Ўша бошқарув системаси жуда қаттиқ тартиб-интизом бўлгани ҳолда майда-чуйда васийлик бўлмагани учун ҳам ўз вазифасини бажарганлигини айтмоқчиман. Уруш даври муҳити одамларга ишонишни, уларга мустақил ҳаракат қилиш имкониятини беришни тақозо этарди. Ўша муҳит одамларнинг ҳеч нарсадан қўрқмасдан, масъулиятни ўз зиммаларига олишга мажбур этарди.

Урушнинг дастлабки босқичида муваффақиятга эришган Гитлер ғалабага шу даражада ишонган эдики, қуруқликдаги қўшинлар жанговар техникасини ишлаб чиқаришни камайтириб, стратегик самолётлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисида фармойиш берди. Гитлер стратегик самолётлардан Америка Қўшма Штатларига қарши операцияларда фойдаланишни кўзда тутган эди.

У бундай аҳволга тушган Россия уйғониши мумкинлигини, Шарққа томон пухта планлаштирилган олти, кўпи билан саккиз ҳафталик сайр унинг жаҳоншумул ҳукмронлик доктринасининг барбод бўлиши билан тугаб, рейхнинг жон талвасасига муқаддима бўлишини ҳаёлига келтирмаган эди.

1941—1942 йиллар қишидаги Москва жанги бу жиҳатдан алоҳида ўрин тутади. Ушбу жангда Совет Иттифоқи жуда катта зарар кўрганига қарамай, тушкунликка тушмаганлигини, чорасизлик ва умидсизлик ўрнини пировардида муваффақият қозонишга, Россия кенгликларида жаҳон урушининг тақдири ҳал бўлишига қатъий, фаол ишонч эгаллаётганлиги намойиш қилинди.

1942 йилда ҳам, 1943 йилда ҳам ва ҳатто 1945 йилда ҳам кўпгина мағлубиятлар ва муваффақиятсизликлар бўлди. Аммо зўр сабр-матонат кўрсатган ва сўнгра Сталинградда душманга қақшатғич зарба берган, Курск ёйида агрессорнинг асосий кучини мажақлаган, Днепр ва Висла, Одер ва Дунай дарёларини кечиб ўтган совет аскарлари туфайли, аввало, улар туфайли Европа ва жаҳон фашизм қуллигидан халос бўлиб қолди.

Уруш сабоқлари тўғрисида фикр юритар эканмиз, ҳар гал ғалабамиз негизи нимада эканлиги тўғрисида ўйга толасан киши.

Ўшанда, 41-йилда қўшинларимиз ва халқ лашкарлари шундоққина пойтахт бўсағасида немис қўшинларининг қудратли ва айни пайтда ғалабага жуда ишонган тўдаларини тўхтатиб қолишга муваффақ бўлганлиги мўъжизадек туюларди. Фашист қўшинларининг Сталинград остонасида тор-мор қилинганлиги жаҳонда мўъжизадек туюлмаганмиди, ахир! Кўпчилик немислар Волга соҳилига чиқиб олгач, мамлакат Европа қисмининг ярмидан кўпроғи уларнинг қўлида бўлгач, СССРнинг мудофаа ресурслари тугайди ва муқаррар равишда узил-кесил мағлубиятга учрайди, деб ҳисоблаган эдилар.

Ўзларининг сўнгги умидларини қаршилик кўрсатаётган Россияга боғлаган одамларда тушкунлик ва шу билан бирга минг йиллик «рейх» ҳукмронлигига таслим бўлишга тайёрлик руҳи пайдо бўлди. Қўшинларимиз Паулюс армиясига ҳамда унга ёрдамга келган Манштейн ва Гот гуруҳларига қақшатқич зарба бера олганликлари ва бу билан бутун иккинчи жаҳон урушида туб бурилиш қила олганликлари тўғрисидаги хабар янада кутилмаган, янада лол қолдирувчи хабар бўлди.

Ана шу одатдан ташқари воқеалар хусусиятига оддий мезонлар билан баҳо бера олмаслик қандай қудратли кучлар, қандай ирода буни таъминлаганлигини англашга кўпдан-кўп уринишларга, шу билан бир вақтда, жумладан, ғаразли сиёсий режаларни кўзда тутган турли-туман фараз ва уйдирмаларга сабаб бўлди.

Ана шу мақсадларда хилма-хил далил-исботлар ишга солинди, уларнинг ёрдамида бир вақтлар Россиядан Наполеоннинг «Буюк армияси» қувилганини изоҳлашга уриндилар. Бу — қўшинлар коммуникацияларини узайтиришга, ҳужум қилаётган олдинги қисмларни армия ички қисмидан ажратиб қўйишга мажбур қилувчи бепоён рус кенгликлари, бу — Россия йўлларининг ёмонлиги ва ниҳоят доимо россияликларга қўл келадиган «рус қиши» деб изоҳланди.

Кейинги вақтда гўё бизнинг ҳар қандай қилиб бўлса-да ғалаба учун жон фидо қилишга тайёр турганлигимиз туфайли, бошқача қилиб айтганда, мардлик билан эмас, ирода билан эмас, ақл-идрок ва заковат билан эмас, балки бирдан-бир восита — «кўп қон тўкиш» билан ғалабага эришганлигимиз тўғрисидаги фикр тобора фаолроқ тарғиб қилинмоқда.

Бунинг замирида қандай фикр борлиги аён: Москва ва Ленинградни, Киев ва Одессани, Смоленск ва Севастополни, юзлаб бошқа шаҳарларни беҳуда қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар. Ғарбий Европадаги «маърифатли» мамлакатлардан намуна олиш лозим эди, чунки улар одамларни, муқаддас меъморий ва маданий ёдгорликларни хавф-хатар остига қўймаслик учун ўз марказларини немисларга топширишни афзал кўрдилар, демоқчи бўладилар.

Фақат бундай ҳолда иккинчи жаҳон урушида ғалаба кимнинг томонида бўлур эди?

Мен бундай уйдирмаларни қатъиян рад этаман. Улар реал воқеалардан ажралиб қолган, ўз моҳияти билан армиямиз ва халқимиз учун, бошқа халқларнинг фашизмга қарши олиб борган курашни учун ҳақоратомуздир.

Бу умуман биз яна «кўр-кўрона ватанпарварлик» позициясида туришимиз ва тарихдаги бизга мақбул бўлмаган, қадр-қимматимизга дахл қиладиган барча нарсаларни рад этишимиз керак, деган маънони билдирмайди.

Шуни чуқур таассуф билан эътироф этиш лозимки, ўша пайтда сиёсий раҳбарият ва ҳарбий қўмондонликнинг фикрлашида стратегик ва тактик вазифаларни илож борича камроқ қурбон бериш эвазига ҳал этишга интилиш ҳамиша ҳам бўлмаган. Кўпинча, айниқса дастлабки пайтларда, маҳорат билан эмас, балки аскарлар сони билан устунликка эришганлар. Урушга тайёргарлик чоғида ва босқинчиларга зарба беришни ташкил этишда йўл қўйилган хатолар учун миллионлаб одамлар ҳаётини бой беришга тўғри келди.

Ғалаба ҳал қилувчи даражада бошқа омиллар билан таъминланган, деб ўйлаймиз. Ана шу омиллардан энг муҳими шу бўлдики, уруш мамлакат учун чинакам умумхалқ тусини олди.

Гитлер генераллари шунчаки ҳаваскор эмас, балки юқори даражали ҳарбий мутахассислар эдилар. Агар улар Россия совуқларига етарли даражада баҳо бермаган бўлсалар, унда фақат яшин тезлигидаги ғалабага умид боғлаган эдилар. Бундай ҳисоб-китоблар эса сиёсий режаларга ва аввало Совет ҳокимияти мустаҳкам асосга эга эмас, уни халқ қўллаб-қувватламайди, деган фикрга асосланган эди.

Аслида Гитлер урушни таваккалига икки фронтда бошлашга жазм қилди, бу билан Клаузевиц ва Бисмаркнинг васиятларига амал қилмади. Бунда у Германия қўшинларининг бостириб кириши жамиятимизда икки томонлама — ижтимоий ва миллий хусусиятларга кўра бўлинишга олиб келади, деган ишончгагина асосланди. Униси ҳам, буниси ҳам бўлмади. Аксинча бўлди — совет кишилари ҳамма учун умумий бўлган кулфатга қарши жипслашдилар, ўзларининг бирдан бир нажоти шунда эканлигини ақл-идроклари ва қалблари билан тушундилар. Бу Германия армияси муқаррар мағлубиятининг дастлабки ва энг муҳим омили бўлди. Сўнгра гап бу мағлубият қачон ва қандай рўй бериши тўғрисида борди.

Кўп миллионли мамлакатимизда Совет ҳокимиятига нафрат ёки қўрқоқлик туфайли душман томонига ўтганлар топилди, албатта. Хоинларни оқлашга, уларни Сталин режимининг бахтсиз қурбонлари, ҳатто ғоявий «озодлик учун курашчилар» деб кўрсатишга уринишлар асоссиз ва шармандалидир. Душманга хизмат қилиш ва ўз халқига қарши қурол кўтаришдан кўра жирканчроқ жиноят бўлмаса керак.

Аммо Гитлер ва унинг шериклари умид қилган парчаланиш рўй бермади. Аслида камчиликни ташкил этган кимсалар халқдан ажралди ва унга хоинлик қилди. Халқ ноёб маънавий бирликка эга бўлди. Агар ҳақоратланганлар ва норозилар бўлса — улар кўп эди — ана шу барча хафагарчиликлар ва ҳатто ғазаб ҳам бир чеккага йиғиштириб қўйилди, чунки ҳар бир ҳақиқий инсон учун ўз мамлакатини, ўз хонадонини, ўз онаси ва фарзандларини ҳимоя қилиш ҳамма нарсадан юқори турар эди.

Инқилобдан наф кўрган, Совет ҳокимиятини ўзининг жонажон ҳокимияти деб билган миллион-миллион меҳнаткашлар ва ана шу инқилоб туфайли мол-мулки ва мавқеидан маҳрум бўлган кишилар ҳам бир сафга турдилар.

Сталинни нажоткор деб таъзим қилган кишилар ва уни мустабид деб лаънатлаган кишилар бир сафга турдилар. Дастлабки пайтда чет элларга кетиб қолган минг-минглаб муҳожирлар ишчи-деҳқонлар инқилобининг муросасиз мухолифлари бўлиб қолишларига қарамай, Ватан учун қалтис пайтда унга ёрдам беришни ўзларининг шарафли иши деб билдилар.

Фашист стратегларининг миллий ихтилофга боғлаган умидлари ҳам худди шундай оқланмади. Уруш пайтида мамлакатимиз миллий адоват нима эканлигини билмаганлиги тарихий фактдир. Умумий мусибат барчани яқинлаштирди. Муштарак диёримиз бўлган минглаб километр масофадаги фронтларда диёримизни унда яшовчи юздан ортиқ халқларнинг вакиллари ҳимоя қилдилар.

Қочоқлар ва кўчирилган кишилар ўзлари туғилиб ўсган жойлардан минглаб километр олисда: Волгабўйи ва Уралда, Шимол ва Сибирда, Узоқ Шарқда, Қозоғистон ва Ўзбекистонда, Қирғизистон ва Тожикистонда, Озарбайжон ва Туркманистонда, Грузия ва Арманистонда бошпана топдилар. Етим бўлиб қолган боладан ота-оналарининг миллати қандайлигини сўрашмас эди: рус, ўзбек, татар, бошқирд аёли ўзининг оила аъзолари кўп бўлишига қарамай, уни ўз онласига олди ва унга оналик қилди.

Бизда Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ёки учала даража Шуҳрат орденлари нишондорларининг сони жиҳатидан қайси миллат биринчи ўринда туришини ҳисоблаш ишқибозлари бор. Мен бундай ҳисоб-китоб билан шуғулланмаган, балки бутун Совет Иттифоқининг кўп миллатли улуғ мамлакатимиз мустақиллигини биргаликда қаттиқ туриб ҳимоя қилган барча халқларига чуқур миннатдорчилик сўзларини айтган бўлур эдим.

Партия ва мамлакат ёппасига душман билан ҳамкорликда айбланган баъзи халқларга нисбатан Сталин ўзбошимчалигини чиппакка чиқардилар ва қораладилар. Тўғри, хоинлар орасида турли миллатга мансуб кимсалар бор эди, аммо аслида душман томонига ўтган биронта ҳам халқ бўлмаган.

Бугун Ғалабанинг яна бир ҳал қилувчи омили тўғрисида гапириш лозим. Бу — партиямизнинг ташкилотчилик фаолиятидир.

Кун тартибига КПССнинг Ленин тушунганидек сиёсий авангардлик ролини тиклаш тўғрисидаги масала ўртага қўйилаётган ҳозирги пайтда партия ўтмишда ҳеч қачон революциядан кейинги дастлабки йиллардаги ва Улуғ Ватан уруши давридаги сингари айни шу фазилатда тўлақонли намоён бўлмаганлигини таъкидлаш айниқса ўринлидир.

Қуролли Кучлар сафларида саксон фоиз коммунистлар бор эди. Улардан уч миллиони, деярли ҳар икки кишидан бири жангларда ҳалок бўлди. Гитлер коммунистларни асирликка олмаслик, шу жойнинг ўзида отиб ташлаш тўғрисида буйруқ берди — фашист стратеглари партия босқинчиларга умумхалқ қаршилигини уюштириб, одамларга ғалабага ишончни синдираётган куч эканлигини жуда яхши тушунар эдилар.

Биз жангчиларни ҳужумга отлантирган коммунистларга нисбатан кам бўлмаган даражада мамлакат ичкарисида оғирликни ўз зиммасига олган, одамларни корхоналарда, қурилишларда ёки олис қишлоқларда меҳнатга отлантирган, имкони борича заифларни қўллаб-қувватлашга, қайғу чўктирган, умидсизликка тушган кишиларга тетиклик бағишлашга ҳаракат қилган партиямиз аъзолари олдида қарздормиз.

Бугунги кунда орамизда салкам 6 миллион фронтчи, жумладан 1 миллион юз минг ногирон ва уруш йилларида мамлакат ичкарисида меҳнат қилган тахминан 23 миллион киши бор. Уларнинг барчаси чексиз миннатдорчилигимизга лойиқдир.

Фронт йилларидаги авлод уруш жаҳаннамидан ўтиб, ундан кейин ҳам тўқ яшамади, кўпинча ярим оч ҳолда, коммунал уйларда ва баракларда кун кечирди, жароҳатлардан азоб тортди ва ҳалок бўлди, зўр-базўр мактабларга ва олий ўқув юртларига ўқишга қайтди, район комитетлари, қишлоқ Советлари, бригадаларга, қашшоқлашган колхозларга бошчилик қилди. Фронтчилар билан ўқиган ва ишлаган барча кишилар улардан кўпгина эзгу ҳислатларни ва аввало ҳаётга, ишга масъулият билан муносабатда бўлишни, виждонлиликни ўргандилар.

Уруш ўша пайтда жамиятимизда яширинган зиддиятларни тўлалигича ошкор этди. Уруш йилларининг ўзидаёқ ўттизинчи йилларда қарор топган бошқарув системасига, назоратсиз мустабид режимга хос бўлган миллий, ижтимоий ва сиёсий муаммоларни ҳал этиш усулларининг танглиги аён бўлиб қолди.

Ҳозирги вақтда кўпинча урушдан ғолиб чиққан мамлакат ва унинг ғолиб халқи мағлуб халқларга нисбатан ёмонроқ яшаётганлигига сабаб нима? — деб савол бермоқдалар. Жавоб шундан иборатки, Ғалаба қозониб, ўз қаддини ростлаган халқ ва озодликка чиққан кишилар яна авторитар системанинг шафқатсиз исканжасига олинди.

Фронт йўлларини босиб ўтган кўпгина кишилар уларга сингдиришганидек, мамлакатимиз унчалик ҳам илғор эмаслигини илк бор англай бошладилар ёки бунга шубҳа билдира бошладилар. Улар урушдан қайтгач, ўзларини машинанинг кичик бир винти деб ҳис этмадилар ва бундай бўлишни истамадилар. Лекин бундай қадр-қиммат ва эркинлик туйғуси илк бор партия XX съездидан кейин юзага чиқди. Қайта қуришнинг ҳам бош мақсади — шахсга ҳурматни, инсон қадрини тўла даражада тиклашдан, унинг ижодий имкониятларини намоён этишдан иборат.

Улуғ Ватан уруши воқеаларини бундан буён ҳам идрок этиш даркор. Ёзувчиларимиз, рассомларимиз, кинематографчиларимиз бу борада анчагина ишлар қилдилар. Уларнинг энг яхши асарлари уруш тўғрисидаги, инсон тақдири ҳақидаги халқ хотирасини акс эттиради. Адабиётга муносиб баҳо бериш зарур: адабиёт кўпгина нарсалар тўғрисида жамоатчилик фикрини урушнинг ҳақиқий қаҳрамони — халққа қаратиб, тарих фанига нисбатан илгарироқ ва дадилроқ фикр айта олди.

Биз Ғалаба ва ғолиблар шарафига анчагина ҳайкаллар тикладик. Бугунги кунда ҳам шундай ҳайкаллар тиклаяпмиз. Аммо тирик ғолиблар тўғрисида, ҳалок бўлганларнинг оналари ва бевалари ҳақида ғамхўрлик қилишдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ. Бу борада кейинги вақтда нималар қилинди?

Бундан икки йил илгари уруш ва меҳнат ветеранларидан салкам 4 миллион киши моддий-маиший таъминотда турли имтиёзлар ва афзалликларга эга бўлди. СССР халқ депутатлари биринчи Съездининг қарорига биноан қарилик ва ногиронлик пенсияларининг энг кам миқдори оширилди, ҳалок бўлганларнинг оилалари уруш қатнашчиларига белгиланган имтиёзларга эга бўлди. Яқинда ҳукумат уруш ветеранлари ва мамлакат ичкариси меҳнаткашлари учун қўшимча имтиёзлар ва афзалликларни жорий этди, бунинг учун салкам 1 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Гражданлар ва ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги янги қонунлар ветеранларнинг турмуш шароитини яхшилашга ёрдам беради.

Лекин бу ҳали жуда камлик қилади. Кўпгина фронтчилар ва уларнинг оилалари ҳамон квартиралар олиш, телефон ўрнатиш учун навбат кутмоқдалар, шифокор парваришига ва дори-дармонларга, бошқа зарур нарсаларга ҳарид қилишга эҳтиёж сезмоқдалар.

Ҳозирги вақтда ана шу барча масалаларни ҳал этиш учун янги сайланган халқ депутатлари Советларининг, маҳаллий бошқарув идораларининг, меҳнат коллективларининг имкониятларидан фойдаланиш муҳимдир. Уларнинг ихтиёрига кўплаб маблағ тушмоқда. Ветеранлар клублари ва уйларини ташкил этишни кенгайтириш, барча хоҳловчиларни жамоат турмушида фаол қатнашишга, баҳоли қудрат меҳнат қилишга жалб этиш лозим. Советлар таркибида ветеранлар ишлари билан шуғулланувчи махсус комиссиялар тузиш тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Ватанимиз нажоткори бўлган фронтчилар авлоди тўғрисида ғамхўрлик қилиш ва уларга эътибор билан муносабатда бўлиш бизнинг умумий маънавий бурчимиздир. Бу фикрга қўшиласизлар, деб умид қиламан.

* * *

Ўртоқлар! Германиянинг СССРга ҳужуми иккинчи жаҳон уруши йўналишинигина эмас, шу билан бирга унинг характерини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Умумий хавф-хатарни даф этиш учун кучларни бирлаштириш эҳтиёжи билан боғлиқ турли ғоявий-сиёсий фикрларни қай тариқа мувофиқлаштириш тўғрисидаги масала кўндаланг бўлди. Турмуш ақидалар ва ҳурофотлардан кучлироқ бўлиб чиқди. Сталин, Рузвельт ва Черчилль эски низоларни бир четга суриб қўйиш зарурлиги тўғрисида қатъий фикр билдирдилар. Иккинчи жаҳон урушининг ноёб сиёсий ютуғи — Гитлерга қарши коалиция таркиб топди.

Масалани жўн қилиб кўрсатишнинг ҳожати йўқ. Ҳақиқатда ҳамкорлик баъзан ҳаддан ташқари зиддиятли, нотекис, тенг ҳуқуқсизлик шароитида таркиб топди. Совет Иттифоқи Германияга қарши курашнинг асосий машаққатини ўз зиммасига олишига тўғри келди. «Иккинчи фронт»ни очиш пайсалга солинганлиги бизга қимматга тушди, бундай пайсалга солиш иттифоқчиларнинг объектив қийинчиликлари билангина эмас, балки ўз кучларини «тежаш» мўлжали билан ҳам изоҳланади.

Бироқ бугун мен бошқа нарса ҳақида гапирмоқчиман. Гитлеризмга қарши коалиция турли ижтимоий системалар ўртасидаги зиддиятларни ибтидоий, жўн талқин этиш маъносизлигидан далолат беради. Тарихий ҳақиқат метафизик схемаларнинг яроқсизлигини ошкор этиб қўйди. Кучлар тақсимотида демократия билан реакциянинг қарама-қарши туриши ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги равшанлашди.

**(Давоми учинчи бетда).**

# УРУШ ВА ҒАЛАБА САБОҚЛАРИ

**(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).**

Иккинчи жаҳон урушидаги ғалаба агрессия ва жаҳолат кучларига қарши курашда бир-бирини топиб олган барча давлатлар ва халқларнинг муштарак хизмати ҳамда биргаликдаги сармоясидир. Аввалбошда гитлеризмга қарши коалицияга 26 та, уруш охирига бориб эса 50 тадан кўпроқ давлат кирди. Ғалабага уларнинг ҳаммаси бир хил ҳисса қўшгани йўқ. Шундай мамлакатлар ҳам бўлдики, улардан жангларда кўнгиллиларнинг кичик-кичик отрядлари қатнашди, аммо улар бизга ҳамдам бўлдилар ва биз буни ҳеч қачон унутмаймиз.

Ғалабани бўлакларга бўлиш маънавиятсизликкина бўлиб қолмай, айни вақтда сиёсий қашшоқлик ҳамдир. Бу — бизнинг давримизда бошқаларнинг ҳаққоний манфаатларини, уларнинг ана шундай хавфсизлик ҳуқуқини писанд қилмай, фақат ўзи учун хавфсизлик «яратиб олиш»га уриниш каби ҳудбинлик ва маҳдудликнинг кўринишидир.

Афсуски, жаҳон сиёсатидаги янгича тафаккур ниҳолларини бамисоли экинзорда бўлганидек кўпинча шумғиялар бўғиб қўймоқда.

Гитлеризмга қарши коалиция қатнашчиларини битта ҳарбий лагерга бирлаштирган даҳшатли хавф-хатар ҳали чекинмай турибоқ уфқда ўзаро гумонсираш ва ишончсизлик булутлари кўрина бошлади. Кечаги иттифоқчилар ашаддий душманларга айланиб қолишди.

БМТни таъсис этган давлатлар шу ташкилотнинг Уставида келажак авлодларни уруш кулфатларидан халос этишга ва сабр-тоқат кўрсатиб, бир-бирлари билан яхши қўшнилар сифатида бирга, тинчликда яшашга азму қарор берганликларини изҳор қилган эдилар. Бироқ мулкдорлар ҳокимияти қурол-яроғ ишлаб чиқариш шиддатини тўхтатишни хоҳламадилар, халқлар эса бу шиддатни тўхтатиб қола олмадилар. Тарихчилар Трумэннинг Қўшма Штатлар атом бомбаси борлигини Потсдамда Сталинга маълум қилган пайтидан эътиборан ядровий қуролланиш пойгаси бошланди, деб ҳисоблайдилар.

«Ўқ» давлатлари мағлуб бўлиши билан милитаризм иблиси гумдон қилинмаганлиги инсоният учун XX асрнинг энг даҳшатли фожиаси бўлиб қолди. Шу иблис жон сақлаб қолиб, дунёни ҳад-ҳудудсиз хароб қилувчи муҳолифликка дучор этди.

Иккинчи жаҳон уруши, унинг маҳсули бўлмиш «совуқ уруш» сингари дарҳол англаб олинмаган бўлса ҳам, бало-қазо йўлида қилинган мислсиз ва беъмани қурбонлик бўлди.

Фашистларнинг совет территориясида қилган вайронгарчиликлари 50-йилларнинг ўрталарида асосан тугатилганини ҳаммамиз биламиз. Вайрон қилинган Киев, Минск, Севастополь, Сталинград, Ростов, Смоленск, култепага айлантирилган ўнлаб ва юзлаб бошқа шаҳарлар тиклаб олинди. Мамлакатнинг саноат салоҳияти қайтадан тикланди ва аввалгисидан ҳам ўзиб кетилди. Биз биринчи бўлиб космосга одим ташладик.

Ўша даврдаги расмий ҳужжатларда ва публицистик мақолаларда Совет Иттифоқи нақадар кўп талафот кўрган бўлмасин, у урушдан забардаст ҳолда, илгари ҳеч қачон бўлмаган даражада қудратли ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий давлат сифатида чиқиб олди, деган фикр янграр эди.

Бу даъволар ҳеч қандай шак-шубҳа билдирилмайдиган рақамлар билан — кўп миллионлаб тонна металл, кўмир ва нефть, дон ва пахта, миллиард-миллиард киловатт-соат электр энергия ишлаб чиқарилганлиги билан асосланар эди.

Урушдан кўрилган талафот рўйхати ёпиб қўйилган деб ҳисобланарди. Бироқ «совуқ уруш» шароитида халқ яратган ва унинг фаровонлик манбаи бўлиб хизмат қилиши лозим бўлган кўпдан-кўп бойликларнинг анчагина қисми қурол-яроғларни кўпайтиришга ишлатилди, ҳарбий харажатлар уларни ютиб юборар эди. Бу нарса иқтисодиётимизга путур етказган, мамлакатни ҳозирги танг аҳволга солиб қўйган омиллардан бири бўлган эди.

Муқаррар кулфат — инсон зоти мангуликдан маҳрум бўлганлиги қуролланиш пойгасининг якуни бўлиб қолди. Ядро урушининг дўзах механизми ёмон ният билан ёки тасодифан ишга солиниши натижасида қиёмат-қойим таҳликаси жуда ҳақиқий хавф бўлиб қолди. Табиий муҳитнинг вайрон бўлиши, дунёнинг ривожланган қисми билан ривожланаётган қисми ўртасидаги тафовут, маънавий қашшоқлик ва ахлоқий тубанликнинг оқибатидаги фалокат хавфи эса унинг ёнига қўшилди.

Бироқ биз хавф-хатарни назардан қочирмай туриб, бўшашувчанликка йўл қўймаслигимиз керак. Маърифатнинг ҳимоя кучлари жуда зўр. Улар учинчи жаҳон урушига йўл қўймаслик ва бошқа хавфларни даф қилиш учун мутлақо етарлидир. Бунинг учун фақат ақл-идрок, холис ният ва масъулият керак. Тарихдан сабоқлар чиқариб олиш маҳорати ҳам керак.

Уруш тарихи бизга берадиган энг муҳим сабоқ мана бундай. Омон қолиш учун инсоният бирлашмоғи ва қуролсизланмоғи даркор.

Биринчи жаҳон урушидан кейин йигирма йил ўтмасданоқ, Ер куррасининг турли жойларида — Эфиопия ва Испанияда, Хитой ва Халхин-Голда янги жаҳон урушининг хатарли ўчоқлари аланга ола бошлаганини бугун эслаб ўтмоқ керак. Тез орада эса шу ўчоқнинг алангаси Тирана ва Варшавага, Париж ва Лондонга, Белград ва Афинага, бизнинг мамлакатимизгача етиб келди.

Германия фашистлари ўзларини миллий-социалистик немис ишчи партияси деб атар эдилар. Шу партия буржуа демократияси воситаларидан фойдаланиб, яъни расман ошкора йўл билан ҳокимият тепасига чиқиб олдилар. Фашистлар ўз тактикасида ижтимоий сафсатабозликни кенг миқёсда ишга солиб, ижтимоий адолатсизликни, ишсизликни, юқори табақаларнинг порахўрлигини танқид қилар эдилар. «Веймар демократияси»дан норози бўлган ҳаммага, аввало қашшоқларга, ишсизларга, майда буржуаларга мўлжалланган сохта инқилобий иборалар расм бўлган эди.

Энг пасткаш ҳис-туйғуларни авж олдиришга, шовинизм ва ирқчиликка, зўравонлик ва жангари нодонликка сиғинишга умид қилинар эди. Ҳақорат, бақириқ ва зўравонлик улар севган далиллар эди, германияпарастлик, ирқий софлик, жаҳоншумул «большевиклар фитнаси» ғоялари эса оммавий мафкуравий жазавани кучайтириш омиллари эди.

Халқ онги тарихда мисли кўрилмаган тарзда бузиб борилар эди. Ишчилар ҳаракатига, социализмга қарши кураш мақсадида нацизмни боқиб семиртирган монополиялар Гитлер мафкураси замирида бутун инсониятга, маърифат нормаларига хавф-хатар борлигини мутлақо фахмлай олмадилар.

Мюнхен, тажовузкорни «юпатиш», принципсизларча сепарат битимлар ва махфий протоколлар сиёсати ҳеч бир яхшиликка олиб келмаганлиги маълум.

Яна бир бор таъкидлайман: 1941 йилнинг 22 июни демократиялар билан фашизм, инсонпарварлик билан ваҳшийлик ўртасидаги тарихан зарур чегара чизиғини тортди, турли ижтимоий тузумдаги давлатларни умумбашарий манфаатлар ва қадриятлар йўлида ўзларининг ижтимоий-иқтисодий тафовутларидан юқори туришга энг янги тарихда биринчи бор ҳаракат қилиб кўришга мажбур этди.

Уруш ер юзидаги демократия кучларининг ялпи ҳалокатли хавф олдида жипслашиш қобилиятини кўрсатди. Унинг мана шу якуни тарихий бурилиш даврида, масъулиятли даврда яшаган сиз ва биз учун бебаҳо аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги сиёсат учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган хулоса мана шундан келиб чиқади: агар умумбашарий қадриятлар «катта сиёсат»га қурбон қилинса, жаҳоншумул фалокатлар муқаррардир. Мана шу аччиқ тарихий сабоқни уқиб олмоқ керак. Бизгина уқиб олишимиз кифоя қилмайди. Тинчлик ҳақидаги азалий орзу эндиликда, эҳтимолки, биринчи марта замонавий маърифатнинг ортиб бораётган яхлитлигида, иқтисодиёт, экология, ахборотлар жиҳатидан ўзаро боғлиқликда, мамлакатлар ва халқларнинг, сиёсий ва ижтимоий системаларнинг, жамики манфаатлар ва муддаоларнинг ўзаро қарамлигида ҳақиқатга айланиб бормоқда. Ҳозирги муаммолар тугунларини энди қурол кучи билан ечиб бўлмайди — буни ҳамма яхшилаб уқиб олиши керак. Ҳамманинг манфаатларини ҳурмат қилиб, энг муҳими эса олий қадрият бўлмиш инсон турмушини ардоқлаб, шу тугунларни сабр-тоқат билан ечмоқ керак.

Ҳозир дунёда, айниқса Европада хавфсизликнинг янги модели, қуролсизланиш соҳасидаги изчил ўзаро тадбирлар учун объектив шарт-шароит вужудга келмоқда. Шу билан бирга биз мудофаа қобилиятимизга зарар етказилмаслигини синчиклаб кузатиб борамиз, албатта. Ҳеч ким ўзига Совет Иттифоқи бир ёқлама қуролсизланаверади, деган умид билан таскин бермаслиги керак.

Европада секинлик билан бўлса ҳам, аммо муттасил «блоклардан ташқари ва системалардан ташқари», ҳақиқат ўзига йўл очиб, қурол ўқталиш ўрнига мулоқотга чорламоқда.

Регионда ядро уруши ҳам, оддий уруш ҳам бўлмаслиги кераклигини, хавфсизлик манфаатлари томонларнинг ҳарбий соҳадаги фаоллигини қисқартириш билан, уларнинг ҳужум имкониятларини анча камайтириш билан боғлиқлигини СССР ва АҚШ, Умумевропа жараёнининг барча қатнашчилари тан олмоқдалар.

Шарқий Европада бултурги ва бу йилги воқеалар, айниқса «Берлин девори» бузиб ташланганлиги ва Германиянинг бирлашиш истиқболи кўпгина сиёсий арбобларга ва халқаро муносабат назариётчиларига Ялта ва Потсдамда белгилаб берилган дунёнинг урушдан кейинги тузилишига айни ҳозир, 1990 йилда барҳам берилди, деб айтишлари учун баҳона бўлди. Бу гап тўғрими?

Ҳамма нарса Ялта ва Потсдам битимларининг ўзини қандай талқин этишга боғлиқ. Агар бу битимлар кейинчалик Европанинг парчаланиши учун асос бўлиб қолган таъсир соҳасини бўлишдан иборат эди, деган фикрга асосланадиган бўлсак, — у ҳолда дарҳақиқат, Ялта ва Потсдам даври тугади, деб ҳисоблаш мумкин.

Уч давлатнинг Ялта ва Потсдам битимига қатъий тарихий нуқтаи назардан ёндашиш эса — бошқа гап. Бу аҳдлашувлардаги марказий фикр — урушларсиз ва зўравонликсиз, ҳаққоний манфаатларнинг мувозанатига асосланган дунёни барпо этиш йўлидаги шерикчилик ва ҳамкорликдир. Шу нуқтаи назардан Ялта ва Потсдам қитъанинг парчаланишини мустаҳкамлагани йўқ, балки иккинчи жаҳон урушининг якунлари, шу урушда гитлеризмга қарши коалиция ғалабасининг якунлари бўлиб қолган сиёсий воқеликни акс эттирди.

Биз илгари ҳам бу иборани — «Сиёсий воқелик» иборасини тез-тез тилга олар эдик, аммо бу тушунча замирида қандай маъно борлиги ҳақида тузукроқ ўйлаб кўрмас эдик. Ҳозир шундай қилиш жуда муҳимдир.

Назаримда, гап урушдан кейинги дунёнинг навбатдаги асосий элементлари ҳақида бориши керак.

Аввало бу — ғолиб давлатлар Германия ёки бошқа бирон-бир давлат томонидан тажовузнинг такрорланишига ҳеч қачон йўл қўймайдилар, деган бир фикрга келишдир.

Урушдан кейинги мана шу воқелик туфайли Умумевропа кенгаши ва бутун Хельсинки жараёни юзага келди. Эндиликда биз ўша ғоя ривожланишининг янги, учинчи босқичи бўсағасида турибмиз. Эндиги вазифа Умумевропа хавфсизлиги ва ҳамкорлигининг доимий структурасини вужудга келтиришдан иборат бўлиб турибди.

Европа давлатлари ўртасидаги чегаралар иккинчи жаҳон урушидан кейин белгиланганидан ўзгармаслигини тан олиш — урушдан кейинги бошқа бир воқеликдир.

Сиёсий тўқнашувларнинг, ҳатто энг қалтис пайтларда ҳам ҳеч ким бу қоидага тажовуз қилмаганлиги туфайли кўп жиҳатдан ўтган 45 йил мобайнида қитъада тинчлик сақланиб келди.

Башарти кимдир, «Ялта ва Потсдам даври тугади» деган баҳона билан энди чегараларни ўзгартириш даври келди, деб ҳисоблагудек бўлса, бу нарса ҳалокатга олиб борадиган жуда катта хато бўлур эди.

Бутун масъулиятни бўйнимга олиб айтмоқчиманки, шу маънода урушдан кейинги воқеликлар ўзининг бутун аҳамиятини сақлаб турибди ва уларга қилинадиган ҳар қандай ҳамлалар истисно этилиши лозим.

Бошқа бир масала бор, ҳозирги шароитда Европадаги чегараларнинг ўзгармаслиги ғояси мазмунининг ўзи ўзгармоқда. Бу чегараларни ўзгартириб бўлмайди ва шу тариқа навбатдаги қонли қирғин вужудга келиши учун шароит яратиб бўлмайди. Бироқ иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, экологик ва эҳтимол тутилган бошқа ҳамма маъноларда бу чегараларни ўтказувчан қилиш мумкин ва матлубдир. Бундан ҳамма халқлар манфаат кўради, кейинги вақтларда шу жараён муваффақиятли ривожланаётганини биламиз.

Халқларни ажратиб турган чегараларни бартараф этишга бизнинг Умумевропа хонадонини барпо этиш концепциямиздан кўра ҳам инқилобийроқ ёндашув бўлиши мумкинми? Ёки Президент Миттераннинг Европа конфедерациясини вужудга келтириш тўғрисидаги бизнинг концепциямизга яқин ғоясичи? Биз мана шундай ривожланиш тарафдори эканимизни аниқ-равшан қилиб айтяпмиз.

Шундай қилиб, бутун ишни уруш даври тугалланишидан ва янги давр бошланишидан иборат қилиб кўрсатиш тўғри эмас. Ҳозир биз Европа ва жаҳон бирлашувининг янги, умидбахш босқичига кирганлигимиз шубҳасиз. Реакция устидан демократия ғалаба қозонган жаҳон урушининг сиёсий якунларини инкор этиш туфайли эмас, балки, аксинча, шу якунларни диалектик тарзда уқиб олиш туфайли мана шунга эришилганлиги ҳам мутлақо шубҳасиздир.

Биз — Пушкин ибораси билан айтганда, халқлар «адоватни унутиб, ягона оилага бирлашадиган» Европа тарафдоримиз. Бунга эришиб бўладими? Башарти, «Умумевропа хонадони»га ҳеч ким ошкора ёки пинхона тарзда адоват ва можаро замонлари иллатларини олиб кирмаса, қитъадаги мустаҳкам тинчликни «совуқ уруш»нинг янги нусхалари билан алмаштиришга уринмаса, бу мақсадга бемалол эришиш мумкин.

Бизнинг Германияни бирлаштиришга ёндашувимиз мана шу фикр билан белгиланади. Биз ГДР ва ГФР немисларининг ягона оила бўлиб яшашдек табиий истагига хайриҳоҳлик билан қараймиз. Германия тарихидаги мана шу урушдан кейинги саҳифа ўрнига янги саҳифа очиш пайти келди.

Совет кишилари мана шу янги Германия билан ҳамкорлик қилиш тарафдоридирлар, десам, ҳамманинг фикрини ифодалашимга аминман. Икки буюк халқимизнинг иқтисодий алоқаларини, ўзаро ҳамкорлигини фан ва маданият заминида сақлаб қолиш ва кенгайтириш, улар ўртасидаги сиёсий мулоқот маърифатга кўп наф келтириши ва Хельсинки жараёнининг тиргакларидан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бироқ иккала герман давлати бирлашган тақдирда бошқа халқларнинг ҳам, бизнинг ҳам хавфсизлигимиз манфаатлари, Европадаги ва дунёдаги стратегия барқарорлиги бузилмаслиги хусусида ишончли кафолатлар керак.

Ҳозир «икки қўшув тўрт» тарзидаги музокара бошланди, АҚШ, Буюк Британия, ГДР, ГФР шунингдек Польша, Югославия, Италия, бошқа баъзи давлатларнинг ҳукуматлари билан икки томонлама алоқалар ҳам давом этмоқда. Олти давлат олдида турган муҳим вазифалар орасида иккинчи жаҳон урушига ҳам, «совуқ уруш»га ҳам узил-кесил якун ясайдиган Германия сулҳ шартномаси бор. Бу шартнома бундан буён немислар диёридан фақат тинчлик чиқишига ишонч бахш этиши керак. Шартнома Германиянинг ҳарбий мақомини ва унинг Умумевропа хавфсизлик структурасидаги ўрнини белгилаб бериши, унинг урушдан кейинги чегаралар бузилмаслиги хусусидаги мажбуриятларини қайд этиши лозим.

Такрор айтаман: Германияни камситадиган, немисларнинг миллий қадр-қимматига дахл қиладиган ҳужжат тўғрисидаги фикр бизга ётдир. Янги версаль ўринсиз бўлганидек, 1952-1954 йиллардаги сепарат битимларни тескарисини ағдариб қўйишнинг ҳам ҳожати йўқ, бу шартнома аниқ ва том маънодаги сулҳ ҳужжати бўлиши керак.

Бизнинг мақсадимиз ўтмишни янгилашдан эмас, балки Европа келажагини бунёд этишдан иборат. Чамаси, бу ҳарбий ва экологик хавфсизлик, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик соҳасидаги муштарак қонун-қоидаларга эга бўлган давлатларнинг иттифоқи бўлади. Умумевропа жараёнининг қатнашчилари шу йўлдан бора бошласалар, демак, урушдан кейинги 45 йил ҳамма қийинчиликлар ва жанжалларга қарамай, беҳуда ўтмаганини билдиради.

Жаҳон ҳамжамияти қуролсизланиш палласига ўтмоқда, Совет Иттифоқи ҳам шу самарали жараённи ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашишга тайёр эканини яна бир бор тасдиқлашга ҳозиру нозирдир.

Урушларсиз ва зўравонликсиз дунё йўлидаги ҳаракатни ҳеч қандай тасодифий жиҳатлар тўхтатиб қолмаслиги керак. Башарти, АҚШ, СССР, бошқа мамлакатлар янгича тафаккурнинг дастлабки самараларини эҳтиёт қилмай, қаршима-қаршиликка қайтсалар, халқлар олдида азим жиноят бўлур эди.

Биз олий даражада ўтказиладиган Совет—Америка учрашувига мана шу нуқтаи назардан ёндашяпмиз. Бу учрашув шу пайтгача солинган йўлдан анча олға силжиш, аввало қуролсизланиш соҳасида амалий омил яратиш имконини беради, деб умид қиламан.

Ўртоқлар! Ғалаба кунида биз қуролли кучларимиз ҳақида, уларнинг тақдири тўғрисида, ҳозир Қуролли Кучларимиз қандай бўлиши кераклиги ҳақида ўйлашимиз табиий.

Жуда умумий тарзда гапирадиган бўлсак, мамлакатга Ватаннинг пухта мудофаасини таъминлашга қодир бўлган халқаро ва Европа хавфсизлиги янги системасига уйғун равишда пайванд бўлиб тушган, қайта қуриш ва янгича тафаккур сиёсатига мувофиқ ҳолга келтирилган кучли, замонавий армия ва флот керак.

Ҳа, эндиликда армиянинг муаммолари жуда долзарб муаммолар бўлиб қолди. Бу муаммолар ҳамма жойда қизғин муҳокама қилинмоқда. Ташқи сиёсатдаги янгича ёндашувларни ўзлаштириш ҳам, ёш демократик жараённинг мураккаб тўқнашувлари ҳам, иқтисодий тартибсизликларимиз ҳам, эҳтиросларнинг жўшқинлиги, ҳис-ҳаяжоннинг жумбушга чиқиши ҳам шу ўринда аралашиб кетган.

Бунинг сабаби равшан, ўртоқлар. Қуролли кучлар — жамиятимизнинг узвий, ажралмас қисми, унинг ўзига хос бир парчаси. Ҳозирги турмушимизнинг ялпи ижобий ва салбий жиҳатлари унда ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Армиямиздаги ҳамма нарса ҳам бизни унчалик қаноатлантирмайди, равшанки, у ҳам танқиддан четда қола олмайди. Қайта қуриш армиянинг жамиятдаги аҳамиятига янгича назар ташлашга мажбур этади. Бироқ бошқа ҳар қандай муаммолар каби армия муаммоларининг муҳокама қилиниши билимдонлик, хайриҳоҳлик билан амалий руҳда бўлиши керак.

Биз амалга оширишимиз лозим бўлган ҳарбий ислоҳот қайта қуришнинг умумий стратегиясига узвий равишда монанд бўлади. Олий Совет, ҳукумат вакилларидан, етакчи олимлар ва мутахассислардан иборат комиссия бу соҳадаги ислоҳот концепциясини батафсил ишлаб чиқмоқда.

Маблағ ва ресурсларни имкони борича камроқ сарфлаб, мудофаани самарали равишда қуриш, қуролли кучларнинг таркиби ва структурасини энг мақбул ҳолга келтириш, қурол-яроғларнинг сифатини биринчи ўринга қўйиш — ҳарбий ислоҳотдаги бош масаладир. Армия ва флот қурилишини демократиялаш масалаларини эътибор билан кўриб чиқиш, армия ва флотдаги сиёсий органларнинг аҳамиятини қайтадан идрок этиш лозим.

Ҳарбий ислоҳот бутун жамиятга бирон-бир тарзда таъсир ўтказади, қўшинларни ва қурол-яроғларни кўп миқдорда қисқартириш билан, ҳарбий бюджетни камайтириш билан, мудофаа саноатини тинчлик соҳасига айлантириш билан боғлиқ бўлган умумдавлат дастурларини ишлаб чиқиб, амалга оширишни талаб қилади.

Мана шуларнинг ҳаммаси ҳарбий хизматчилар ва улар оилаларининг хизмат, турмуш, меҳнат ва маиший шароитларини яхшилаш билан, уларнинг ижтимоий ҳимояланиши билан бевосита боғлиқдир.

Биз погонли кишининг шон-шарафи ва қадр-қимматини кўтаришимиз, ҳарбий хизматчиларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳар қандай камситилишини Ватан ҳимоячиларига ҳар қандай ҳамлаларни бутунлай истисно этишимиз керак. Биз ҳарбий либоснинг, ҳарбий унвоннинг, давлат мукофотларининг шон-шарафи ва қадр-қимматини Конституциянинг, давлатнинг обрў-эътибори билан ардоқлаб асраймиз.

Совет Иттифоқининг ислоҳ қилинган Қуролли Кучлари Ватаннинг замонавий, маърифатли, ишончли ҳимоячилари — урушнинг олдини олиш ва тинчликни сақлаш омили бўлиб қолиши лозим.

Бугун, Ғалаба кунида жангчиларга шуни айтмоқчиманки, мамлакат сизларнинг меҳнатингизни, сизларнинг Ватанни ҳимоя қилишга шайлигингизни қадрлайди ва сизларга муносиб ғамхўрлик қилади.

Ўртоқлар! Буюк Ғалаба кунидан буён ўтган қирқ беш йил давомида жамиятимиз унинг сабоқларини тўлиқроқ ва чуқурроқ идрок этишга интилиб келди. Улуғ Ватан уруши тарихни яратувчи шахс бўлмиш халқнинг қаддини тўла-тўкис ростлаганлиги ва уни тарих саҳнасига чиқариб қўйганлиги шу сабоқларнинг энг муҳими бўлди, деб ўйлаймиз. Халқнинг енгилмас кучи нимадан иборат эканини ғалаба яққол намойиш қилди. Бирлик, масъулият, ватанпарварлик, гражданлик қадр-қиммати, ҳар бир кишининг маънавий ва ахлоқий кучи — халқнинг енгилмас кучидир.

Биз берилган ҳамма қурбонлар ва талафотларга қарамай, мустаҳкамлик синовидан ўтдик. Биз ғалаба қилдик. Ягона мақсад йўлида жипслашган кўп миллатли Ватанимиз халқлари қудратли куч эканини ва улар ҳар қандай вазиятда ҳам ўзларини ҳимоя қила олишларини исботладик.

Уруш синовлари билан ўтган йиллар бизни жипслаштирди. Халқнинг мана шу жипслиги туфайли ғалаба қозондик. Одамлар мана шу жипсликни эслаб, ҳозир, тарихимизнинг бурилиш босқичида ҳам биз қаттиқ туриб, ота-боболаримиз жонларини фидо қилган олий мақсадларга содиқ бўлиб қоламиз, шу мақсадларни энг яхши ҳозирги кунда ва энг яхши келажакда рўёбга чиқарамиз, деган ишонч олмоқдалар.

Маърузамни шундай сўзлар билан туғаллашга ижозат бергайсиз.

Бу урушда ғалаба қилган халқ ҳар қандай қийинчиликларни бартараф этишга ва ҳар қандай вазифаларни ҳал этишга қодирдир.

Мана шундай урушни бошидан кечирган халқ сидқидилдан тинчлик тиламаслиги мумкин эмас.

Бугунги ишларимиз ва режаларимизда уруш ва ғалаба сабоқларини ёдда тутайлик.

# УМРЛАР БЎЛАДИКИ, ЎЛИГИДА ТИРИКДИР...

«Сенинг номинг номаълум, жасоратинг эса абадий» Кремль девори ёнидаги Номаълум солдат қабрида ёқилган мангу олов асло сўнмайди. Унинг ёнидаги гранит тахтачага ўйиб ёзилган бу сўзлар миннатдор қалбларимиз билан мангу ҳамоҳангдир.

Ушбу май кунлари, Ғалабанинг қирқ бешинчи баҳорида Александр боғига оқиб келаётган одамлар оқимининг кети кўринмайди. Бу ерда ҳар бир совет кишиси учун муқаддас, сўнмас шон-шуҳратимиз ва аламимиз рамзи бўлган жой бор.

Совет халқининг улуғ байрами арафасида, 8 май куни М. С. Горбачев, В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, В. А. Крючков, Е. К. Лигачев, Ю. Д. Маслюков, В. А. Медведев, Н. И. Рижков, Н. С. Слюньков, Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев, А. П. Бирюкова, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Е. М. Примаков, Б. К. Пуго, Г. П. Разумовский, Д. Т. Язов, А. Н. Гиренко, Ю. А. Мананенков, Е. С. Строев, Г. И. Усманов, И. Т. Фролов, СССР Президентлик Кенгаши ва СССР ҳукуматининг аъзолари Номаълум солдат қабрига келдилар.

Ёдгорлик олдидаги майдонда Москва гарнизони қисмлари саф тортган эди.

Қаҳрамон шаҳарлар обелисклари олдида совет жангчилари фахрий қоровулда турибди. Жанговар байроқлар эгилган.

Мусиқа тантанавор янграйди. Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбарлари гулчамбар қўядилар. Қизил лентага: «Ватан учун жангларда ҳалок бўлганларга КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети, СССР Министрлар Советидан» деган сўзлар ёзилган.

Ўз Ватани озодлиги ва мустақиллиги йўлида, бутун дунёда тинчлик йўлида жонини берган совет жангчиларининг хотираси ҳурматига бир дақиқа сукут сақланади. Совет Иттифоқи Гимни янграйди.

Ҳарбий бўлинмалар Улуғ Ватан урушининг ҳалок бўлган қаҳрамонларига ҳарбийларча ҳурмат бажо келтириб, Номаълум солдат қабри олдидан тантанали марш билан ўтадилар.

* * *

Шу куни Кремль девори олдидаги Номаълум солдат қабрига:

Уруш ва меҳнат ветеранлари, Қизил майдондаги ҳарбий парад қатнашчилари;

СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Т. Язов, Совет Қуролли Кучларининг ҳарбий бошлиқлари, генераллари ва адмираллари;

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар: Болгария Халқ Республикасидан — халқ мудофаа министри армия генерали Д. Журов бошчилигидаги, Венгрия Республикасидан — мудофаа министрлиги давлат секретари генерал полковник Л. Мороц бошчилигидаги, Германия Демократик Республикасидан — қуролсизланиш ва мудофаа министри Р. Эппельман бошчилигидаги, Польша Республикасидан миллий мудофаа министри армия генерали Ф. Сивицкий бошчилигидаги, Руминиядан миллий мудофаа министрининг биринчи ўринбосари — Руминия армияси бош штабининг бошлиғи генерал полковник В. Ионел бошчилигидаги, Чехия ва Словакия Федератив Республикасидан — бирлашган қуролли кучлар штаби бошлиғининг ўринбосари генерал полковник М. Благник бошчилигидаги ҳарбий делегациялар;

ГДРнинг СССРдаги элчиси — Г. Кениг, Болгариянинг СССРдаги элчиси — Г. Панков гулчамбарлар қўйишди.

* * *

Ватаннинг қаҳрамон ҳимоячилари хотирасига таъзим бажо этиш учун келган оммавий намойиш қатнашчилари мангу оловга Москва байроғини келтиришди. Халқ депутатлари Москва шаҳар ва область Советларидан, КПСС Москва шаҳар комитети ва Москва область комитетидан гулчамбарлар қўйилди. Тантанали маросимда Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари, Москва шаҳри ва области меҳнат коллективларининг, жамоатчилигининг вакиллари қатнашдилар.

* * *

Рус православ черковининг намояндалари гулчамбар қўйишди.

(ТАСС).

## КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига тайёргарлик комиссиясида

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига тайёргарлик комиссияси аъзоларининг гуруҳи бир неча кун мобайнида КПСС Марказий Комитетида ишлади. Гуруҳга йирик бошланғич партия ташкилотлари партия комитетларининг секретарлари кирган эди. Гуруҳ КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури, КПСС Устави ва КПСС Марказий назорат-тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомнинг лойиҳалари юзасидан КПСС Марказий Комитетига тушган таклиф ҳамда мулоҳазаларни кўриб чиқди.

Партия комитетларининг секретарлари эълон қилинган лойиҳалар мазмуни юзасидан ўз мулоҳазаларини айтишди, ўзгариб бораётган шароитда партия ишининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи бир қанча аниқ таклифларни ишлаб чиқдилар. КПСС Устави лойиҳасига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритдилар.

Ҳужжатлар устида ишлаш, жойлардан келаётган фикр-мулоҳазалар ва тузатишларни муҳокама қилиш давом эттирилади.

● *Тошкентда Бухоро маданияти кунлари*

# ҚАДИМИЙ ЮРТ ТАРОНАЛАРИ

**Бугун жумҳуриятимиз пойтахтида Бухоро вилояти маданияти кунлари бошланади. Шу муносабат билан газетамиз мухбири Н. НАИМОВ маданият кунлари қатнашчиларининг раҳбари, вилоят партия комитети котиби, Ўзбекистон ССР халқ депутати С. Т. ЖЎРАЕВАга бир неча савол билан мурожаат қилди.**

— **Саида Тешаевна, Бухоро воҳаси қадимий ўзбек миллий маданиятининг бешикларидан биридир. Бу ҳақда сўз юритилганда, биринчи навбатда, нималар кўзда тутилади?**

— Дарҳақиқат, Бухоро деганда, энг аввало кўз ўнгимизга ўтмиш авлодларимиз мерос қолдирган меъморлик обидаларининг буюк хазинасини, халқ амалий санъатининг ранг-баранг намуналарини, моҳир хаттотларнинг нафис қўл ёзмаларини ва яна қалбимизга сурур бағишлайдиган ўнлаб нарсаларни кўзда тутамиз.

Тиббиёт оламининг ҳокими Абу Али ибн Сино, буюк тарихнавислар, файласуф ва мунажжим Аҳмад Дониш, ҳассос меъмор Уста Ширин Муродов, қўли гул кулол Ҳамробуви Раҳимова, моҳир бастакор домла Ҳалим Ибодов ва маданиятимиз сарчашмаларида турган яна ўнлаб сиймоларнинг номи бутун дунёга машҳур. Ўзбек совет бадиий маданиятининг ривожига баракали ҳисса қўшган Мухтор Ашрафий, Олим Хўжаев, Левича Бобохонов, Раззоқ Ҳамроев, Аҳмад Ихтиёров сингари санъаткорлар ҳам Бухоро фарзандларидир.

Биз уларнинг изидан бориб, Бухоро маданиятини янада равнақ топтиришга интилмоқдамиз. Воҳадаги тарих ва маданият осори-атиқаларини таъмир этиш, кулолчилик, мисгарлик, зардўзлик патдўзлик каби амалий санъатга ёшларда меҳр-муҳаббат уйғотишда, халқ бадиий ҳаваскорлигининг турли соҳаларини ривожлантиришда кейинги йилларда анча ишлар қилинмоқда.

Айни маҳалда вилоят марказида С. Айний номли музикали драма ва комедия театри, давлат филармонияси, қўғирчоқ театри ижодий коллективлари самарали фаолият кўрсатишяпти. М. Ашрафий номидаги санъат билим юрти, О. Хўжаев номли маданият техникуми вилоят эҳтиёжларига яраша малакали мутахассислар етказиб бераётир.

Албатта, маданият, спорт ва жисмоний тарбия тармоқлари, уларнинг фаолияти, муаммолари тўғрисида кўп гапиришимиз мумкин.

— **Бу муаммолар нималардан иборат?**

— Бухоро маданияти дурдоналарини жумҳурият, қолаверса, мамлакат миқёсида тарғиб қилишга эришилмаяпти. Оммавий нашрлар, радио ва телевидение бу масалага камдан-кам мурожаат этади. Ваҳолонки, бу соҳадаги муаммоларни ҳал қилишга киришишдан илгари унга жамоатчилик эътиборини қарата билиш лозим.

Муаммоларнинг эса мундарижаси кенг. Биринчи навбатда, бу қадимий шаҳримиз ва унинг атрофидаги тарих ва маданият обидаларини таъмир этиш, уларнинг атрофини ораста сақлаш учун моддий-техника ресурслари, ишлаб чиқариш кучлари, юқори малакали кадрлар етишмаяпти.

— **Бугун Тошкентда бошланаётган маданият кунларининг программаси ҳақида гапириб берсангиз.**

— Тошкент меҳнаткашларини концерт репертуарлари билан хушнуд этиш ниятимиз. Шу мақсадда бадиий ҳаваскорларнинг катта бир гуруҳи бу ерга келишди. Бухоро шаҳридаги Крупская номли маданият уйининг Олия Ҳасанова раҳбарлигидаги «Моҳи Ситора» фольклор-этнографик ансамбли, Ғиждувон районидаги «Гулистон» колхозининг Муҳаммад Шодиев бошчилигидаги мақомчилари, Бухоро санъат билим юртининг Ҳикмат Ражабов раҳбарлигидаги халқ чолғу ансамбли, педагогика билим юртининг «Бухорча», Навоий шаҳар «Фарҳод» маданият саройининг «Бахтли болалик» ансамбллари, Конимех район маданият уйининг дўмбирачи қизлар, Коғон шаҳар «Сайёт» вокал-чолғу ансамбли, 1-область шифохонасининг «Гиёҳ» ансамбли бадиий ҳаваскорлари ўз маҳоратларини намойиш қиладилар.

А. Навоий номли Катта театр саҳнасида улар томонидан ижро этилган қадимий юрт тароналари янграйди. С. Айний номли музикали драма ва комедия театри ижодий коллективи Муқимий театрида режиссёр Анвар Азимов саҳнага қўйган «Темир хотин» спектаклини кўрсатади.

Бухоро маданияти кунлари қатнашчилари Киров райони меҳнат коллективлари, алоқа институти талабалари билан учрашишади. Шунингдек, жумҳурият Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси меҳмонлари улар билан мулоқотда бўладилар.

Имкониятдан фойдаланиб, кичик истагимизни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Бизнингча, бундай учрашувларни нафақат Тошкентда, балки вилоятларда ҳам тез-тез ўтказиш лозим. Токи, бухороликлар фарғоналикларнинг, самарқандликлар эса хоразмликларнинг маданиятидан яхшироқ хабардор бўлишсин. Зеро, маданиятлар алоқаси бу байналмилал биродарлик, ўзаро дўстлик, хайриҳоҳлик алоқалари демакдир.

(ТАСС).

